

## ТУРИЗМ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ДУНЁ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРИ

*Мавлиддинов Рамзидин Рахматуллоевич*

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети*

*Магистратура тингловчиси, капитан*

**Аннотация:** Ушбу мақолада туризм тушунчаси ва хавфсизлиги ҳақида сўз боради. Шунингдек дунё ва Ўзбекистонда туризмнинг ҳуқуқий асосари муҳокама қилинади.

**Калит сўзлар:** туризм, туризм хавфсизлиги, саёҳлар, “Туризм тўғрисида”ги қонун, декларациялар.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются понятие и безопасность туризма. Также будут обсуждены правовые основы туризма в мире и Узбекистане.

**Ключевые слова:** туризм, безопасность туризма, туристы, Закон «О туризме», декларации.

**Annotation:** This article discusses the concept and safety of tourism. The legal framework of tourism in the world and Uzbekistan will also be discussed.

**Keywords:** tourism tourism, tourism safety, tourists, Law “On Tourism”, declarations.

Бугунги глобаллашув замонида, жаҳон интеграцияси жараёнларининг замонавий шароитида халқаро туризм натижасида юзага келадиган муносабатларни ва туризм хавфсизлигини ҳуқуқий тартибга солиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Замонавий дунё шароитида туризм нафақат иқтисодий, балки дипломатик ва сиёсий фаолиятнинг энг муҳим жиҳатларидан бирига айланиб, давлатлар ўртасида халқаро алоқаларни мустаҳкам натижасида, бевосита хизматлар, товарлар, чет эл валютаси, бандлик ва инвестицияларни келтириб чиқаради.

Келинг, шу жойида, аввало, туризмга умумий бир таъриф бериб оلسак. Дунёнинг кўзга кўринган олимлари ва соҳа мутахассислари томонидан ушбу тушунчага турлича таъриф ва фикрлар келтириб ўтилган. Хусусан, Британиядаги Туризм институти ушбу тушунчага қуйидаги таърифни беради: “Туризм – бу одамларнинг улар одатда яшайдиган ва ишлайдиган жойлардан бошқа белгиланган жойларга вақтинча қисқа муддатга ташриф буюриши: у ҳар қандай мақсаддаги саёҳатни ўз ичига олади, бир кунлик ташрифлар ёки экскурсияларни ҳам. Умуман олганда ўз муқим бўлиб турган жойидан ташқарига чиқиш саёҳат ҳисобланади, дейишимиз мумкин. Жамиятда мавжуд бошқа ижтимоий муносабатлар сингари туризм ҳам ҳуқуқий тартибга солинган, яъни маълум бир

ҳуқуқий меъёрлар билан белгилаб берилган ва мавжуд юридик асосларга эга соҳадир.

Туризм соҳасида хизмат кўрсатишнинг бевосита ҳуқуқий табиатига баҳо берадиган бўлсак, хизмат кўрсатиш шартномаси асосида, ҳақ эвазига мижозга туризм хизматларини кўрсатишни тушинишимиз мумкин. Лекин шу ўринда савол туғилади: Туризм хизмати деганда ўзи нимани ёки нималарни тушунишимиз керак? Туризм, яъни саёҳат хизматлари ектори турли хил етказиб берувчилар, туристик маҳсулотлар, масофавий маркетинг ташкилотлари, туроператорлар ва сайёҳлик агентлари ва бошқалар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб тармоғидан иборатдир.

Ўзбекистон қонунчилиги нуқтаи назаридан ушбу вазиятга қарайдиган бўлсак, «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида «туристик хизмат» атамасига шундай таъриф берилади: «туристик хизматлар — жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, экскурсия ва маслаҳат хизмати кўрсатиш бўйича хизматлар, шунингдек турист ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган хизматлар». Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонунида ҳам туризм тушунчасига тариф бериб ўтилган. Унга кўра, туризм – жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатидagi (жойидagi) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши).

Дарҳақиқат, туризм ва туризм хавфсизлиги, умуман, туризм соҳаси халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган соҳалардан бири ҳисобланишини юқорида таъкидлаб ўтдик. Бу соҳа бўйича умумжаҳон миқёсида йирик бир ташкилот фаолият кўрсатади. Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўшимча органи бўлиб, унинг масъулиятли, барқарор ва ҳамма учун очиқ туризмни тарғиб қилиш ва туризм хавфсизлиги таъминлаш учун масъул агентлигидир. Ушбу ташкилот туризмни дунё миқёсида кенг тарғиб қилиш, унинг халқаро миқёсда ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи ҳужжатлар қабул қилиш, туризм хавфсизлигини таъминлаш ва давлатларнинг ушбу қонун-қоидаларга риоя қилишини мониторинг қилиш каби вазифаларни бажаради. Бундай халқаро нормалар сирасига Манила Жаҳон туризми тўғрисидаги декларациясини (1980), Гаага туризм тўғрисидаги декларацияси (1989), Туристларни ҳимоя қилиш халқаро кодекси, Халқаро эко-туризмни кенг тарғиб қилиш тўғрисидаги конвенция ва шу каби ўнлаб нормаларни санашимиз мумкин. Ҳар бир қабул қилинган халқаро нормалар ушбу соҳанинг муаммоли деб ҳисобланган жиҳатлари юзасидан, кўшимча саволларга ўрин қолдирмаслик мақсадида тузилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Туризм бўйича масъул органи аъзо давлатлари ҳар йили соҳага доир ҳисоботларини беришлари лозим. Ушбу ҳисоботда мамлакат туризм салоҳиятидаги иқтисодий, маданий,

молиявий ўзгаришлар, сайёҳларнинг ҳимоясини ва хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар, хусусий ва давлат секторидаги туристик хизматларни кўрсатиш ташкилотларининг фаолиятига оид ижобий ўзгариш, хизматлар кўрсатишдаги эришилган ютуқлар ва бошқалар ҳақида атрофлича баёнотлар топширилиши кўзда тутилади.

Таъкидлаш жоизки, халқаро сайёҳлик сиёсатини тартибга солиш, яъни ушбу соҳага оид талаблар, қонун қоидаларни белгилаш, тегишлича тартибни жорий қилишни ҳар бир давлат ўзининг ички ҳуқуқ тизими билан тартибга солади ва ташкил этилишни таъминлайди. Буни Ўзбекистон мисолида олиб қарасак, соҳа тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент ва ижро этувчи ҳокимият Вазирлар маҳкамасининг тегишли қарорлари билан ушбу сиёсатнинг узвийлиги таъминланган. Аммо, халқаро туризм бу ҳуқуқнинг бошқа халқаро миқёсда тартибга солинган тармоқлари сингари барча ҳуқуқ тизимларидаги умумий жиҳатларни бирлаштирган ва маълум чекловлар, имтиёзлар билан бойитилган юқори тизим саналади.

Дунё давлатлари эса ушбу тизимдаги механизмларни боғлаб турувчи ажралмас компонент ролини бажаради. Ҳозирги кунда бутун дунёда саёҳат ва туризм қонунларини бирлаштириш жараёни мавжуд. Бу дунёдаги туризмни яхлит тизим шаклида дунё томонидан қабул қилинишини таъминлаш учун муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тартибга солишга ва туризм хавфсизлигига доир бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Шулардан энг муҳим ва асосийлари сифатида “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, халқаро туризмни ривожлантиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори каби ҳужжатларни мисол қилиб келтира оламиз.

Бу ҳужжатларнинг асосий ва катта аҳамиятга эга бўлгани, албатта, биринчи бўлиб санаб ўтганимиз, “Туризм тўғрисида”ги қонундир. Ўзбекистонда яратилган ички қонунчилик доирасида сайёҳларнинг давлатда бўлиб турган пайтларидаги ҳимояси, эркин ҳаракат қилиши ва хавфсизлиги таъминланади. Айнан мана шу ҳолатда улар билан алоқалар доирасида вужудга келадиган муносабатлар халқаро доирадаги оммавий ва хусусий ҳуқуқнинг белгиларини

ўзида акс эттиради. Ўзбекистон туризм соҳасида бир нечта дунё давлатлари билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйган.

2006 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбектуризм” Миллий компанияси билан Қирғиз Республикасининг саноат, савдо ва туризм вазирлиги ўртасида имзоланган “Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим Марказий Осиёдаги ушбу икки давлат фуқароларининг қўшни давлатга эркин кириб чиқиши, уларнинг ҳимояси ва ҳуқуқларининг таъминлашини ҳақидаги масалаларни келишиб олишди. Битимнинг 2 ва 3-моддаларида тегишли равишда сайёҳларга хизмат кўрсатишга қаратилган ўзаро ҳамкорликдаги тадбирлар, ўзбек ва қирғиз ташкилотлари, бирлашмалар ва компаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва ривожлантириш учун имконият яратиш бериш таъкидланди.

Бундай халқаро ҳамкорликка яна бир мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Франция Республикаси Ҳукумати ўртасида имзоланган «Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида»ги ҳадли битимни кўрсатишимиз мумкин. Ушбу битимга асосан, туристик соҳадаги хусусий ва давлат сайёҳлик секторлари учун янги лойиҳаларни эко-туризм, маданий туризм, туризмдаги янги технологиялар ва туристларнинг хавсизлигини таъминлашда амалга ошириш кўзда тутилади.

Мавзуга доир масала юзасидан бошқа ривожланган давлатлар тажрибаси ва амалиётига назар соладиган бўлсак, уларда бу масалалар анча олдин тартибга солинганини кўришимиз мумкин. Масалан, Буюк Британияда туризмга оид «Development of Tourism Act» ҳуқуқий ҳужжати 1969 йилдаёқ қабул қилинган. Анча олдин қабул қилинган ҳужжат ўзида халқаро ҳуқуқ, бевосита туризмнинг халқаро хусусий ҳуқуқда қўллашдаги масалалари ўз аксини топган. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солишда, айрим жихатларида фарқлар бўлишига қарамадан, жараёнларда қўлланувчи ҳуқуқ шартномавий муносабатларга асосланади.

Демак, хулоса ўрнида шуни айтиб ўтмоқчимизки, туризм ва туризм хавфсизлиги давлатларининг ички ҳуқуқида асосий ўрин тутиши билан биргаликда, дунёвий ҳуқуқий доирада, айниқса, халқаро хусусий ҳуқуқда халқаро иқтисодий битимлар ва шартномалар тузишнинг объекти сифатида баҳоланади ва катта аҳамият касб этади. Бу борада амалга ошираладиган шартномавий муносабатларнинг негизида турувчи халқаро нормалар ҳуқуқни қўллаш жараёнида, айниқса, муҳим саналиб, хизматларни ташкил этишда ажралмас элемент бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 18.07.2019 йилдаги ЎРҚ-549-сон.

2. Устав всемирной туристической организации. // Брюссельская конвенция о контрактах на путешествие.
3. Манильская декларация по мировому туризму.
4. Travel and Tourism Contracts: Design of Sustainable Tourism Systems, Sara Landini. Antezza, 2013. p-7.
5. Introduction to Tourism and Hospitality in BC, Morgan Westcott. 2020. Chapter 7.
6. United Nations World Tourism Organization (UNWTO).
7. Manila Declaration On World Tourism. 1980.
8. The Hague Declaration On Tourism. 1989.
9. International Code for the Protection of Tourists. UNWTO.
10. «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5781-сон. 13.08.2020.
11. «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5611-сон. 05.01.2019.
12. «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори. 433-сон. 10.07.2020.
13. «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон қарори.
14. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Қирғиз Республикасининг саноат, савдо ва туризм вазирлиги ўртасида имзоланган «Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида»ги Битим. 03.10.2006. (11-сон).
15. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Франция Республикаси Ҳукумати ўртасида имзоланган «Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида»ги ҳадли битим. 05.03.2019.
16. «Development of Tourism Act». 1969.

#### ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР:

1. <https://lex.uz>
2. <http://excursovod-web.ru/ustav-vsemirnoya-turistskoyorganizatsii-vto/>
3. <http://www.intacadem.ru/>
4. <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1969/51>
5. <https://www.eunwto.org/doi/epdf/10.18111/9789284423361>
6. <https://www.univeur.org/cuebc/downloads/PDF%20carte/68.%20The%20Hague.PDF>
7. <https://www.univeur.org/cuebc/downloads/PDF%20carte/65.%20Manila.PDF>
8. <https://www.unwto.org/who-we-are>
9. <https://opentextbc.ca/introtourism/>